




МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

илимий-методикалык журнал № 3/2



Нөкис - 2021

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 3/2 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сўз ҳәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ҳожиёв Р. Б., Норбоева Д.О. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари	4
Ismatov U.Sh. Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (tempera bo'yog'i misolida)	12
Berdiyev O. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida o'quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari	15
Baymetov B.B., Xamroqulova M. Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o'rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari	18
Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o'rni	22
Ismatov U.Sh. Rangtasvir mashg'ulotlarida maishiy janrning ifodalanishi	25
Марасулова И.М., Зулфияев Р.Н. Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни	28
Абдуллаева Г.С. Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ	31
Мухитдинова М.С. Нуткида оғир нуксон бор болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусика машгулотларининг имкониятлари	35
Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х. Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари	37
Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти	42
Каюмов Х. А., Ко'киев В. В. Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta'limini kompyuter texnologiyasi bilan integrasiyalash	46
Махмудова М.Т. Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана	48
Марасулова И. М. Эстетическое воспитание молодежи для общества	52
Sobirov S.T. Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari	54
Sobirov S. T. Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarini shakllantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to'garaklarning o'rni	59
Муратов Х. Х. Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги	61
Атаханова С.О. Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти	65
Атаханова С.О. Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари	69
Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш	73
Ко'киев В.В. Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish	76
Махмудова М.Т. Влияние музыки на изобразительного искусства	81
Махмудова М.Т. Роль и значение музыки в воссоздании изображения	85
Ко'киев В. В., Mahmudov M. J. Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida	88
Ко'киев В. В., Qozoqboyeva D. T. Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar	91

Jumayev I.O. Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mavjud murakkabliklarini qo'lda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari	94
Jumayev I.O. Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati	99
Xalimov M., Bekqulov Q. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	102
Bekqulov Q.Sh. O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choralari	105
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar	107
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish	111
Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A. Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi	113
Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh. Ko'rinishlar mavzusini tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyati	117
Анкабаев Р. Т. Тасвирий саънатда машгулотларида иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти	120
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари	122
Атажанова Р. Р. Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников	126
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш	128
Xalimov M. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	133
Achilov N. N. AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida	136
Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б. Тасвирий саънатда машгулотларида миниатюрани ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти	141
Achilov N. N. Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari	145
Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N. Arxitekturada inson va fazo	149
Ҳожиёв Р. Б. Норбоева Д.О. Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси	155

6. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения креативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 201-204.

7. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. (2018). Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. *Молодой учёный*, № 7 (193). 196-199.

8. Rakhimovna A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56.

9. Р.Р.Атажанова, Н.Р.Атаева. (2020). Роль изобразительной деятельности во всестороннем развитии дошкольников *Academic research in educational sciences*, 4, 450-454.

РЕЗЮМЕ

Ijodkorlik - bu ijodiy mahsulotning o'ziga xos turini muvaffaqiyatli amalga oshirish imkoniyatini belgilaydigan, ijodga bo'lgan intilish va hissiy munosabat bilan namoyon bo'ladigan, ijodiy mahsulotni yaratishda ifoda etuvchi vositalarga egalik qilish qobiliyati, rivojlanish darajasi. ijodiy tasavvur, mustaqillik va ijodiy izlanishdagi qat'iyatlilik va ma'lum bir sohada sub'ektiv ravishda yangi yaratilishini ta'minlaydi.

РЕЗЮМЕ

Творческие способности – это процесс индивидуальных особенностей личности, определяющих возможность успешного осуществления конкретного вида творческой деятельности, проявляющихся в стремлении эмоциональном отношении к творчеству, в качестве умения владеть выразительными средствами при создании творческого продукта, уровня развития творческого воображения, самостоятельности и настойчивости творческом поиске и обеспечивает создание субъективно нового в той или иной области.

SUMMARY

Creativity is a process of individual personality traits that determine the possibility of successful implementation of a specific type of creative activity, manifested in the desire and emotional attitude to creativity, as the ability to own expressive means when creating a creative product, the level of development of creative imagination, independence and perseverance in creative search and provides the creation of a subjectively new in a particular area.

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА КОМПОЗИЦИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИЛИШИНING АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

Бахриев И.С.

ТВЧДПИ “Тасвирий санъат” kafedراسи katta o'qituvchisi

Таянч сўзлар: санъат, усул, ижод, композиция, маҳорат, шакл, ифода, фикр, муҳит, асос.

Ключевые слова: искусство, метод, создание, композиция, мастерство, форма, выражение, мысль, среда, основа.

Key words: art, method, creation, composition, craftsmanship, form, expression, thought, environment, basis.

Тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда композиция асослари фанини кенг ўқитиш, тасвирий санъатда композиция таълим муҳитини яратишнинг асосий тамойиллари ва ижодий ишлар билан шуғулланадиган педагоглар касбий фаолиятини ташкил этишнинг оптимал усулларини такомиллаштириш, педагог ходимлар, замонавий ўқитувчиларни тайёрлаш умуман икtidорли талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш ва тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим масала. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий жиҳатлари, педагог мутахассисларни тайёрлашнинг такомиллаштириш муаммоси ечимини оптималлаштириш ўздорларлигини намойиш этмоқда. “Рассом педагог– композиция фани – таълим олувчилар, бу ўз-ўзидан эркин ижодий устахона юзага келишига сабаб бўлади. Ҳозирда

таълимда тасвирий санъатфани янги ислохотлар шароитида фаолият юритиб унда таълим олувчиларга кенг шароит яратиш билан биргаликда композиция фани қоида ва усулларини тўғрисида давра суҳбатлари, машҳур рассомлар асарларини композицион жиҳатларини ва асарлар мазмуни, полотнода композицияни жойлаштириш усуллари-рассом ғоясини аниқ ифода этиш воситаси бўлиб, унда ижодкорнинг маҳорати ёрқин намоён бўлади. Композиция орқали муаллиф чизиқ, шакл, ранг ва образларни тартибга келтиради, фазовий кенгликни ўзлаштиради ва бадий муҳит яратади. Композиция асосини мантиқийлик, шакл аниқлиги ва уларнинг ўзаро уйғунлиги ташкил қилади. Ижодкор яратган ҳар бир асарининг асосида Композиция ётади, унда борлиқни идрок этиш жараёнида ҳосил бўладиган фикр, ҳис-туйғулар ўз аксини топади. Тасвирий санъатда шаклнинг муҳим элементларидан бири композициядир.

Яъни бадий асар ғоясига уйғун равишда айрим қисмларининг жойланиши, асарнинг умумий тузулиши композицияни ташкил этади. Бир мазмуннинг ўзи турли шаклларда ифодаланиши мумкин.

Мазмунни ифодалайдиган асосий воқеа- сюжет ҳам бадий шакл элементларидан бири ҳисобланади.

Бу эса композиция ифода воситаларини ўрганувчиларни қандай қилиб ўргатиш масаласи асосий эътиборда бўлмоғи лозим. Реалистик ранг тасвирда қалам тасвирга муҳим ўрин ажратилади ва қалам тасвири эгаллаш реалистик рангтасвир жараёнида асосий шартдир.

Ёш рассомни ўқитиш қаламтасвир, рангтасвир, композиция фанлари билан параллел олиб борилади. Бўлажак ижодкор ўқитувчи ўқитишда олдиндан қаламтасвир орқали перспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизма тасвири ва нисбатлар тушунчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. умуман композиция яратиш учун қаламтасвир ва рангтасвир маҳоратини пухта эгаллаган бўлмоғи зарур ҳисобланади.

Таълимни тизимли, керакли етарли муҳит асосида ташкил этиш ишларига ниҳоятда эътибор қаратиш керак. Бу эса тасвирий санъат таълим тизими олдига янги муҳитни, ахборотларни мустақил қабул қилиш, композиция фанга ўрганишга қизиқишнинг ортиши ишланган асарни таҳлил қилишга ва тегишли хулосаларни чиқара оладиган ижодкор шахс, рассом педагог шахсини шакллантиришга олиб келади. Ушбу соҳада рассом ўқитувчиларни ҳаётда воқеалиқни кўриб идрок этиш; бадий дид ва маданиятни таркиб топтириш, ҳар қандай санъат асарларида композицияни тушуна олиши; фандан олган билимларини ижодда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат, бу борада айниқса амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир, санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни ўргатиш, рангтасвирнинг тасвирий санъатда туган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фарқловчи томонлар, реалистик рангтасвир қонунлари, композиция асослари, иссиқ ва совуқ ранглар, колорит, ритм, тус, ёриғлик, ранг доғи, умумий тус ва ранг бўёғи, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйғунлиги қонуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, хиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвирда ишлаш методлари; суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюқ ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлар; акварель, темпера, гуаш ва мойбўёқлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлмоғи керак. Бу албатта рассом

ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим жараёнидамуҳим сифатлар ҳисобланади. Бунга сабаб таълим олувчиларнинг, айниқса заруратга айланган назарий билим ҳамда амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқитиш жараёнида метод ва технологиялардан фойдаланишни, ҳозирги даврни ўзииллари сурмокда. Ушбу фикрга таяниб ижодкор ўқитувчиларни тайёрлашда инновацион таълимдан фойдаланишда қуйидагиларни назарда тутиш лозим, деб ҳисоблаш керак, ижодкор ўқитувчида ўз билимларини бойитиб боришга ва инновацион таълимга қизиқиш ўстиришга ҳаракат қилиш керак, мисол учун бир қарашда идрок этиладиган асарни яратишда рассомга катта ёрдам берадиган нарсас асар композициясидир, яъни асар композицияси шундай қуриладики, унда алоҳида фигура ва нарсалар бир - бирига боғланиб кетади, натижада муаллиф фикри томошабинга яхши етиб боради . ижодкор ўқитувчи ижодий фикрлашни юксалтиришга доимо эътиборли бўлиш билан бирга ижодий муҳитни ярата олиши ҳам муҳим. Рассом ўқитувчиларни қизиқиши ва қобилиятларини тўғри баҳолаб, ижодий таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришни лойиҳалаштириш бўлажак ижодкор ўқитувчиларнинг тасвирий санъат таълим муҳитида ўқитувчилик касбини эгаллашига оид билим, уларга мос бўлган инновацион таълимни танлаш керак, ижодкор ўқитувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакаларни белгилаб, асослаб олиши зарур.

Маълумки, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашда таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш ва эътибор бериладиган жиҳатларни ҳисобга олишда, албатта уларга оид таълим тамойиллари зарур бўлади. Ижодкор ўқитувчиларга таълим беришда уларга мос назария ва амалиётдан фойдаланиш, бунда композиция воситалардан фойдаланиш эскиз материаллар ва композицияга доир ижодий муҳитни таркиб топтириш ва улардан амалиётда кенг фойдаланишга оид тизимини шакллантиришни кўзлаб фаолият юритиш, рассом ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг методик таъминотини изчил юксалтириб бориш, ижодкор педагогларни ижодий фаолиятга тайёрлаш жараёнларида олиб борилаётган машғулотларда таълим олувчиларнинг эркин ва мустақил ҳамда ижодий фикрлашларига кенг имкониятлар яратишга эътибор бериш, метод ва технологияларни ишлаб чиқишда улардан фойдаланишнинг қулайлиги ва мақсадга эришишда композиция қоидалари қўмакчи бўлиши илмий-методик жиҳатидан асосланиши ҳамда улардан амалиётда фойдаланишга содда ва тушунарли йўриқнома тайёрлаш ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланишда таълим жараёнларидаги дарс машғулотларига эътибор бериб педагогик фаолиятни амалга ошириш керак. Тасвирий санъат ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашдаги таълим мазмунини мунтазам равишда қизиқарли маълумотлар, санъат асарларини қизиқарли жиҳатлари, бойитилган ҳамда мукаммаллаштирилган таълимни таркиб топтиришга доимо эътиборда бўлиш ва бу борада таълим жараёнини амалга оширишдан олдин ижодкор ўқитувчи маҳоратини амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак. Шундан кейингина ўқитувчи олдида ижодий жараёни таркиб топтириш, ижодий салоҳиятга эга бўлиш, ижодий фаолиятни шакллантириш каби масалаларни қўйиш мумкин бўлади. Бунинг учун инновацион таълим муҳитидан фойдаланиб янги ўзига хос композицион ечим ва янгиликларни излаш керак. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисига бадиий дидни таркиб топтириш, тасвирий санъатда композицияни қўлай олиши, ижодий тасаввурга эга бўлиши, ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиши, ижодда ва ўқитувчилик

касбида унумли фойдаланаолишидан иборат. Бунда биринчидан ижодий жараёнларда ўргатувчи, бошқарувчи, маслаҳат берувчи, таҳлил қила олувчи, бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Турли методик қўлланма ва услубий ишлар асосида Талабанинг ўқитувчи раҳбарлигида олган билимлари – ўқув ва амалий кўникмаларни аудиториядаги натурадан амалга ошириши зарур бўлган вазифаларни мустақил бажариш жараёнида мустаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича – расомлар асарлари альбомлари, тасвирий санъатнинг ижодий жараёнидаги натижага етиб боришни ҳам муҳим кўрсатмалар асосида амалга оширилади. композицияда шаклнинг аниқ ифодаси мантқиқийликнинг табиий бирлашуви эмоционаллик ҳамда, пластик сифатлари ички мазмун билан бойитилишини кўршимиз мумкин, иккинчидан, ижодий фаолиятида компьютердан фойдалана олиш, ўқитувчи фаолиятини оптималлаштирувчи восита сифатида ҳамда ўқув ахборотини янгилаш воситаси сифатида белгиланади. Булар таълим жараёнидаги белгиланган муайян вақт ичида таълим олувчиларни имкон қадар маҳоратларини оширишга, талаба талабага устоз, талаба талабага шогирд тамойилидан фойдаланганишга, айрим амалиётда орқада қолаётган таълим олувчиларнинг маҳоратини ўстиришга таълим олувчининг, индивидуал хусусиятлари келиб чиққан ҳолда ёндашиш кабилар масалалар киради.

Таълим олувчиларга мустақил ижодий композиция ишларини бериш ва уларни имкониятлари кенгайтиришга эришиш, таълим жараёнидаги натижаларни қайта ишлаш ва уларни тезкор равишда ҳар бир таълим олувчига етказиш орқали таълимга ёндашувда инновацион муҳит таркиб топади. Булар асосан таянч билимлари, таълим мазмунини ижодий муҳитда шакллантириш негизида ва фаолият усулларини фаоллаштириш орқали ҳал этилади, шунингдек, бунда репродукциялардан фойдаланиш ва ижодий малакаларни шакллантиришдан иборат. Шунингдек педагогик ижодий таълим тизимига ижодий жараёнларни кенг жорий этиш натижасида янги шакл ва усуллар пайдо бўлмоқда. Демак, бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлашда ўқув жараёнига мақсадли таълимни йўналтирадиган устоз ва шогирд таълим тизими асосида ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашда ўз олдига қўйилаётган мақсадга эришилаётганини кўзда тутиш керак. Интерфаол машғулотларни ташкиллаштириш бу табиийки қулай ва истикболдир. Бундан мақсади ижодий фикр юритишига кенг имкониятлар яратилади таълим олувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилиб, эркин фикрлашларига кенг йўл очилади ва бу орқали қарорлар қабул қилишади. Маълумки, таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликда таълим берувчи ва таълим олувчи фаол иштирок этадиган машғулот интерфаол бу машғулот деб юритилди. Композиция машғулотларда интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитиш жараёнига самарали таъсир кўрсатиб, материаллар ва воситалардан ўқув жараёнини жонли ташкил этишда ўз самарасини кўрсатади. Шу билан бир қаторда материални тўла тушунишга замин яратади ёки бошқача айтганда ўз билимлариниянада бойитиб, ижодий таълимни рўёбга чиқаради. Шу сабабли ҳам таълимни такомиллаштириш ва самарали янги таълим ёндашуви асосидаги билимлар, бўлажак рассом ўқитувчиларни жойларда ишлашга тайёрловчи жараёндир. Бу борада ижодий таълимда замонавий ёндашувларни ташкил қилиб ижодкорликда юқори самарадорликка эришилади шунингдек янги сифат кўрсаткичини таъминлайди. Мавжуд эгаллаган билимларни янги вариантдаги мазмунларга кўчириш орқали, бўлажак ўқитувчилар таҳлил ва умумлаштиришларга оид жараёнларда муаммоларни ечишда янги ўзига хос йўналишлар ярата олади. Замонавий

педагогик технологиялар ўзини мавауларнинг анъанавий педагогик технологиялардан фарқи нимада? Педагогик технология - бу бутун ўқитиш ва билимларни самарадорлаштириш вазифасини илгари сурувчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир. Таълимда замон билан ҳамнафас ҳолда таълим технологияларини яратиш билан шуғилланишга инновацион таълим технологиялари доимо имконият яратиб боради ва ишончли ва методик жиҳатдан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда бундай имкониятлар, таълим технологияларидан фойдаланишнинг асосланган вариантдир. Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни тайёрлашда ўз касбий фаолиятига қизиқиши янада оширади ва касбий тайёргарлик даражасидан қониқиш ҳосил бўлади. Бундай самарадорликни Устоз ва шогирд кўринишларида ўзаро бир-бирини тушуниш зарур бўладива самарадорлик эришишда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни композиция фаолиятига тайёрлашда мос билим ва қўникмаларни эгаллаш жуда муҳим. Талабаларга таълим берганда ўқув материалларидан фойдаланишда ижодий таълим жараёнига анъанавий ва инновацион ифода воситаларини мувофиқлаштириш вазифасини асослашга имконият яратилади варассом ўқитувчиларни тайёрлашнинг ва ижодий композиция таълим муҳитини шакллантиришга методик шарт-шароитлар яратилади. Ўқув жараёнида ўқитишнинг энг оптимал вариантдан фойдаланиш, ахборот технологиялари орқали тасвирий санъатга дахлдор жиҳатларини кузатиб бориш ва керакли ҳолатларни анализ ва мазмун-моҳиятини ва вазифаларини тўлиқ тушуниб етиш улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ушбу йўналишдаги тадқиқотга оид илмий-назарий ва методологик асосларни янада мукамаллаштиришга имконият яратар экан ва бу эса замонавий педагогикада истиқболли долзарб муаммолардан биридир

Adabiyotlar:

1. Назилов Д.А., Бобомуротов З.Р «Рангтасвир» фани бўйича Ўқув услубий қўлланма. Тошкент – 2013.
2. Р.Худайберганов. Тасвирий санъатда ранг (Тасвирий санъат факультети талабалари учун ўқув қўлланма) Тошкент -2004
3. Д.Н. Азизов Чизма тасвир 1-4 курс ўқув дастури асосида олий таълим муассасаларининг Рангтасвир бакалавр таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Ташкент - 2019
4. Qomus.infoонлайн энциклопедия.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитучиларини композицияни ўрганиш жараёнида инновация технологияларнинг роли тўғрисида сўз боради. Бундан ташқари композицияни ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш хақида фикрлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль инновационных технологий в процессе изучения состава будущих учителей изобразительного искусства. Кроме того, есть идеи по изучению композиции и применению ее на практике.

SUMMARY

The article examines the role of innovative technologies in the process of studying the composition of future teachers of fine arts. In addition, there are ideas for studying composition and putting it into practice.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан
филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3-2**
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84^{1/16}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шэрти б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

